
МАОРИФИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ – ЭЛ-ЮРТИМИЗ ТАЯНЧИ

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “... жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолиимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускорроқ бўлишига эришишимиз лозим”, “Барчамиз жипслашиб,...ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”, “...жамиятимиз барча аъзоларининг маънавий савиясини, она юртга садоқатлилик фазилатини янада кучайтиришимиз зарур”, – дедилар.

Давлатимиз Раҳбарининг бу ёрқин даъватлари туманимиз педагогларини янги ташаббусларга илҳомлантириб юборди. Фидойи устозлар фаол ота-оналар билан ҳамкорликда Президентимизнинг

“Китобхонлик маданиятини юксалтириш – буюк мақсадларимизга эришишнинг муҳим кафолатидир”, – деган эътирофларига жавобан, жойларда “Ҳар бир хонадон – китобхон” ташаббусини бошлаб юбордилар. Чунончи, вилоят миқёсида ўтказилган онлайн ёш китобхонлар танловида туманимиз мактаб ўқувчиларидан 39 нафари ғолибликни қўлга киритдилар. Уларнинг 22 нафари Давронжон Акбаров раҳбарлигидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг фаол ўқувчилари ва ота-оналари эканлиги қувонарлидир. Бундай юқори ютуқларга эришганлар сафида 13-, 14-, 15-, 16-, 19-умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчи-ўқувчи ва ота-оналари ҳам аъло натижаларга эришдилар. Бундан ташқари, 11-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Миролим Турсунбоев биология фанидан республика онлайн олимпиадасида фахрли 1-ўрин ғолиби бўлганлиги фикримизнинг исботидир. Туман халқ таълими бўлими, мактаблар, МФЙ фаоллари, Нуронийлар ҳамжиҳатлиги намунаси бўлган “Мактаб – Маҳалла – Оила” ҳамкорлигидаги бу ташаббус маҳаллалар аҳлининг қалбида эл-юрт ишига камарбасталик туйғусини юксалтирмоқда.

Президентимиз кутганидек, жамиятимизда китобхонлик маданиятининг юксалишига, ҳар бир инсон қалбида она юртга садоқатлилик фазилатларининг янада кучайишига муносиб ҳисса бўладиган бу ҳаракатларда кекса авлод вакилларининг ҳам фаоллиги дилларга мамнунлик бағишламоқда.

Мирабижон Набижонов,

туман Нуронийларининг

тарғибот ишлари ташкилотчиси.

2020-06-15 08:18:44